



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 3 февраль, № 26 (8649)

Шанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев мева-сабзавотчилик ва озиқ-овқат тармоғини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

2023 йилда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги 4,1 фоиз ўсган. Бу соҳадаги экспорт қарийб 2 миллиард долларни ташкил этган. Лекин мавжуд салоҳият бундан анча юқори.

Шу боис давлатимиз раҳбари 18 январь куни экспорт ва саноат масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида мева-сабзавотчиликка доир вазифаларни ҳам кўрсатиб ўтган эди. Хусусан, Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигига янги салоҳиятли бозорлар топиш, экспортбоп маҳсулотлар экилишини ташкиллаштириш бўйича ҳам масъулият белги-ланди.

Агентлик томонидан ўсимликларни зарарли унсурлардан химоя қилиш, фитосанитар тоза маҳсулотлар етиштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш

бўйича тизимли ишлар қилин-моқда. Жумладан, ҳудудлардаги стационар ва мобил лабораториялар орқали 1 миллион 40 минг гектар ернинг тупроқ таҳлили ўтказилиб, минерал ўғитларни қўллаш меъёри илмий асосда белгилаб берилди. Соҳада 7 та янги ахборот тизими жорий қилиниб, 40 та йўналиш рақамлаштирилди.

Халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг 20 миллион долларга яқин грант маблағлари жалб этилиб, лаборатория ва ускуналар янгиланди. Дала ва боғларга кимёвий ишлов бериш, импорт ва экспорт маҳсулотларини экспертизадан ўтказиш изчил давом эттирилмоқда.

Бундай чора-тадбирлар мева-сабзавотларимиз сифати ва хавфсизлигида муҳим омил бўлмоқда. Сўнгги йилларда 80 та дав-

латга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун 620 та фитосанитар рухсатлар олинди, улар билан электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилди. “GSP+” тизими доирасида 200 минг гектар майдон халқаро талабларга мослаштирилди.

Йиғилишда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди. Мутасаддилар соҳадаги ишлар кўламини кенгайтириб, бу йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини 3,5 миллиард долларга етказиш мумкинлигини айтди.

Бунинг учун, аввало, мева-сабзавотлар, полиз экинлари, узум ва дуккакли маҳсулотлар етиштириш кўпайтирилади. Ҳудудларда яна 20 та мобил лаборатория ташкил этилиб,

“uzagrolab.uz” электрон платформасига интеграция қилинади. Пестицидлар муомаласидаги барча жараён рақамлаштирилиб, сифатсиз пестицидларнинг юртимизга олиб келиниши ва ноқонуний савдосига барҳам берилди.

6 мингта боғ, 3 мингдан зиёд тоқзор ва дала майдонлари, 344 та қадоқлаш корхонаси хорижий фитосанитария талабларига мувофиқлаштирилади. Юқори самарали энтомофаглар олиб келиниб, зараркунанда ҳашаротларга қарши янги турдаги биологик кураш йўлга қўйилади.

Халқаро ҳамкорликни кучайтириш орқали экспорт ҳажмлари нисбатан қimmat бозорларга йўналтирилади. Шунингдек, яна 8 та давлатга фитосанитар рухсат олинади. Мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган

халқаро кўргазмаларда экспортчи корхоналаримиз иштироки кенгайтирилиб, аниқ буюртмалар шакллантирилади. Фарғона, Самарқанд ва Тошкент халқаро аэропортлари ҳудудида мева-сабзавот маҳсулотларни экспорт қилишга қаратилган замонавий инфратузилмалар ташкил этилади.

Хориж тажрибаси асосида ўсимликлар химояси ходимларининг малакаси оширилади. Халқаро экспертларни жалб этган ҳолда ҳар бир маҳсулотни етиштириш, сақлаш, қадоқлаш ва етказиб бериш бўйича қўллаш ишлаб чиқилади.

Давлатимиз раҳбари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш бўйича қўшимча топшириқлар берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 15 августда қабул қилинган Сенат томонидан 2023 йил 24 ноябрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисидаги қонунчилик

Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **ерларни рекултивация қилиш** — бузилган тупроқ қопламани тиклаш, уни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш;

тупроқ — ер юзасининг табиий ёки антропоген омиллар таъсири натижасида шаклланидиган, ўсимликларнинг яшashi учун зарур унумдорлик хусусиятларига эга бир нечта қатламдан иборат бўлган устки қисми;

тупроқнинг бузилиши — фойдали қазилмаларни қазиб олиш, геология-қидирув, геодезия, қурилиш ишларини ва бошқа ишларни амалга ошириш жараёнида тупроқ қопламанинг физик жиҳатдан бузилиши, қисман ёки тўлиқ йўқ қилиниши;

тупроқ деградацияси — табиий ёки антропоген омиллар таъсири натижасида тупроқ унумдорлигининг пасайишига, тупроқнинг экологик-мелиоратив ҳолати ёмонлашишига, шунингдек тупроқнинг миқдор ва сифат жиҳатидан салбий ўзгаришларига олиб келадиган жараёнлар мажмуи;

тупроқнинг ифлосланиши — тупроқнинг сифатини ёмонлаштирадиган ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган зарарли кимёвий ва радиоактив моддаларнинг, нефтининг, нефть маҳсулотларининг ҳамда микроорганизмларнинг тупроққа тушиши ва тўпланиши;

тупроқни муҳофаза қилиш — тупроқдан оқилона фойдаланишга ва уни сақлашга, унинг ифлосланиши, бузилиши ҳамда деградациясининг олдини олишга, шунингдек табиий ва техноген таъсирлардан химоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, ҳўжалик тадбирлари ва бошқа тадбирлар мажмуи;

тупроқ сифати — тупроқ унумдорлигини белгилайдиган хусусиятлар;

тупроқ сифатини баҳолаш (тупроқ бонитировкаси) — тупроқнинг сифати ва табиий унумдорлик қобилиятини 100 балли шкала бўйича қиёсий баҳолаш;

тупроқни тиклаш — тупроқнинг ҳолатини, сифатини яхшилашга ва унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар;

тупроқ унумдорлиги — тупроқнинг ўсимликларни озиқли моддалар, иссиқлик, намлик, ҳаво ва бошқа яшash фаолияти омиллари билан таъминлайдиган хусусиятлари;

тупроқнинг унумдор қатлами — тупроқнинг ўсимликлар ўсиши учун қўлай хусусиятларга эга бўлган устки қатлами;

тупроқ эрозияси — тупроқнинг ёғингарчиликлар, сугориш ва шамол таъсирида емирилиш жараёни;

тупроқнинг ҳолати — тупроқнинг таркибини, тузилишини ва хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи.

4-модда. Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги асосий принциплар

Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат: қонунийлик; инсон соғлигининг ва атроф-муҳит хавфсизлигининг устуворлиги;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон ва Канада: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Канаданинг янги тайинланган элчиси Алан Хэмсон билан учрашув ўтказди.

Мулоқот

Мулоқот аввалида Сенат Раиси элчини юксак ва масъулиятли вазифага тайинлангани билан самимий қутлаб, унинг келгуси ишларига муваффақиятлар тилади.

Учрашувда Ўзбекистон ва Канада ўртасидаги конструктив ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, парламентлараро мулоқот даражасини ошириш ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўхбат давомида икки давлат ўртасидаги муносабатларда савдо-иқтисодий ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши, тоғ-кон, энергетика, нефть-газ саноатида истиқболли лойиҳаларни йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, илмий-техникавий, жумладан, таълим соҳасидаги алоқаларни ри-

вожлантириш, туризм, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзаро муносабатларнинг яна бир муҳим йўналиши сифатида тўртинчи алоқаларни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Бунда икки мамлакатнинг шаҳарлари ўртасида биродарлашган алоқаларни ўрнатиш муҳимлиги айтилди.

Парламентлараро муносабатларни янги bosқичга олиб чиқиш, икки мамлакат қонун чикарувчи органларининг тегишли кўмиталари ўртасида ўзаро ташрифларни уюштириш орқали яқин ҳамкорлик ўрнатиш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашув якунида дипломат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бундан кейин ҳам янада ривожланиши учун бор имконият ва салоҳиятини ишга солишини билдирди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

МУРОЖААТЛАРГА ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Маълумки, ҳудудларда аҳолининг дардига қулоқ тутиш, уларни қийнаб келаётган масала ва муаммоларни ҳал этиш борасида сенаторлар томонидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жойларда бевосита аҳоли вакиллари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан учрашувлар ҳамда ижтимоий объектларга ташрифлар чоғида кўтарилган ва ўз ечимини кутаётган масалалар назоратга олинмоқда.

Хусусан, сенаторларнинг фаол иштироки билан Қашқадарё вилоятидаги бир қатор масалаларга ижобий ечим топилди. Масалан, сенаторларнинг вилоятда ўтказган учрашувлари чоғида халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши депутати А. Бозоров томонидан Қашқадарё вилоятидаги Фиштли қишлоғининг 6 минг 600 дан зиёд аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласини давлат дастурига киритиш бўйича кўмак сўралган эди. Айтиш жоизки, ушбу му-

урожаат Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг сўровига асосан Иқтисодийёт ва молия вазирлиги ҳамда «Ўзсувтаъминот» АЖ томонидан ўрганиб чиқилди. Пировардида «Фиштли» МФИдаги 3 та сув олиш иншоотига янги насос ва қўшимча электр жиҳозлар ўрнатилди ҳамда аҳоли ичимлик суви билан таъминланди.

Шунингдек, халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши депутати Я. Иноятонинг Қарши магистраль каналидан фойдаланиш бошқармасининг насос агрегатлари бир маромда ишлаши учун уни зарур электр энергия билан таъминлашда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ижобий ҳал этилди.

3

Муносабат

2024 йилги давлат дастури лойиҳаси:

АНИҚ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

Аввал хабар қилинганидек, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган бўлиб, унда мамлакатимиз тараққиётини мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган муҳим мақсад ва вазифалар белгиленмоқда.

Айни пайтда лойиҳадаги устувор йўналишлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, кўмиталар йиғилишларида кўриб чиқилиб, бир қатор тақлифлар илгари сурилмоқда. Бу ҳақда қуйи палата депутатлари ўз муносабатларини билдирди.



3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДАРЁ ВА КЎЛЛАРНИНГ ЭКОТИЗИМ БАРҚАРОРЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси томонидан 2 февраль — Бутунжаҳон сув-ботқоқ ҳудудлари куни муносабати билан дарё ва кўлларнинг экотизим барқарорлигидаги аҳамиятига бағишланган семинар ўтказилди.

Ўзбекистонда сув-ботқоқ ҳудудлари қарийб бир миллион гектарни ташкил этиб, 500 дан ортқ кўллар мавжуд. Республика ҳудуди орқали кўчиб

юрувчи қушларнинг кўплаб турлари учун сув-ботқоқ ҳудудлари қўлай қўнимгоҳ бўлиб хизмат қилмоқда. Дарёлар, кўллар, сув омборлари ва

суғориш тизимларида 130 га яқин қуш турлари учрайди. «Кизил китоб»га киритилган қушларнинг эса 30 дан ортқ турининг ҳаёти сув-ботқоқ ҳудудлари билан узвий боғлиқ.

Йиғилишда сув-ботқоқ ҳудудларининг ўрмон ҳудудларига нисбатан уч баробар камайиб кетиши эҳтимоли борлиги, бу жиддий муаммо бўлиб, бундай ерларни сақлаш инсоният учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

3

2023 йилда Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 11 фоизгача пасайди



2022 йилда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизгача камайган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 11 фоизгача тушди ва қарийб 1 миллион аҳоли даромади белгиланган камбағаллик чегарасидан ошгани қайд этилди.

Камбағаллик даражасининг сезиларли пасайиши Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Андижон вилоятларида қайд этилди.

Сўнгги уч йил давомида аҳоли даромадлари таркибиде иш ҳақининг улуши 70,2 фоиздан 62,7 фоизга пасайди ва кичик бизнесдан олинadиган даромадлар улуши эса 0,7 фоиздан 2,9 фоизга ошди.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Статистика агентлиги, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

очкилик ва шаффофлик; ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер участкалари ижарачилари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг устуворлиги.

5-модда. Тупроқни муҳофаза қилиш объекти

Тупроқни муҳофаза қилиш объекти ер фондининг барча тоифаларидаги тупроқнинг унумдор ва тупроқ ҳосил қилувчи қатламларидан иборатдир.

6-модда. Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тадбирлари

Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тадбирлари жумласига қуйидагилар киради: тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни амалга ошириш; ифлосланган, бузилган ёки бошқача тарзда деградацияга учраган тупроқни тиклаш; тупроқ мониторингини юритиш; ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ер участкалари ижарачиларининг тупроқ муҳофазасини таъминлашга, ундан оқилона фойдаланишга ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлашга доир тегишли мажбуриятларини белгилаш; тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш бўйича иқтисодий тадбирларни амалга оширишда манфаатдорлик механизмини қўллаш; қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш чоғида тупроқ ва сув манбаларининг шўрланишини, ботқокланиши ҳамда ифлосланишини истисно эътидан усуллардан фойдаланиш; шўрланган ерларда мелиоратив тадбирларни амалга ошириш; ерларни даврий равишда текислаш; иҳота дархазторларини барпо этиш, қум кўчишининг олдини олиш ва уни мустаҳкамлаш; худудий шароитлардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий жиҳатдан самарали деҳқончилик тизимларидан фойдаланиш; қишлоқ ҳўжалиги экинларини сугоришда сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш; қиялиқлардан сув эрозиясига қарши курашиш учун кўп йиллик ўтлар, буталар ва дарактлар экиш; шамол эрозиясига қарши тадбирларни қўллаш; коллектор-дренаж ва сугориш тармоқларини, шунингдек сув ҳавзаларини тозалаш чоғида олинган тупроқдан фойдаланган ҳолда қумли, қумлоқ ва енгил қумоқ тупроқларнинг механик таркибини яхшилаш;

сугориладиган ерларда илмий асосланган тавсияларга мувофиқ эрозияга қарши тадбирларни қўллаш, сугориш режимларига ва нормаларига риоя этиш; тупроқнинг техноген зичланишининг олдини олиш; минерал, органик, органик-минерал, бактериал ўғитлар ҳамда бошқа ўғитларни, шунингдек компост ва сидератларни тупроқ-иклим шароитлари ва ўсимликларнинг эҳтиёжларига ҳисобга олинган ҳолда қўллаш. Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тадбирлари қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

7-модда. Шахарсозлик фаолиятини ёки қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш чоғида тупроқни муҳофаза қилишга ва ундан оқилона фойдаланишга доир талаблар

Шахарсозлик фаолиятини ёки қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш чоғида тупроқни муҳофаза қилишга ва ундан оқилона фойдаланишга қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

объектларни жойлаштириш ва уларни қуриш лойиҳаларида – тупроққа оид тадқиқотлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш ҳамда санитария талабларига риоя этишга ва тупроқ унумдорлигини сақлашга қаратилган тадбирларни назарда тутиш;

объектларни қуриш лойиҳаларида – ер участкаларидаги мавжуд тупроқни сақлаб қолиш устуворлигини белгилаш; объектларни лойиҳалаштириш чоғида лойиҳа худудига кирмайдиган туташ худудларда – тупроқ ифлосланишининг, бузилишининг ёки бошқача тарздаги деградациясининг олдини олиш чораларини кўриш;

объектларни лойиҳалаштириш чоғида – тупроқнинг унумдор қатламини сидириб олиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш тадбирларини белгилаш;

лойиҳалаштирилган объектлар қурилиши чоғида – тупроқни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш. Шахарсозлик фаолиятини ёки қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш чоғида тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бошқа талаблар ҳам белгиланиши мумкин.

8-модда. Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш ишларини молиялаштириш

Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш ишларини молиялаштириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари; ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ер участкалари ижарачиларининг, шунингдек қорхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари; ҳомийлик хайриялари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

2-боб. Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

9-модда. Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари

Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш бўйича инвестиция фаолиятини рағбатлантириш; тупроққа оид хизматлар инфратузилмасини ривожлантириш; тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасида илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-синов ишларини ташкил этиш; қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларнинг сифати яхшилашган (бонитет балли ошган) тақдирда солиқ тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ер солигини тўлашга доир имтиёзлар бериш.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди; тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини ташкил этади, шунингдек уларнинг бажарилишини назорат қилади; тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш

соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади; маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тупроқни муҳофаза қилиш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради; тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш устидан давлат назорати амалга оширилишини таъминлайди; тупроқ мониторингини амалга ошириш тартибини, тупроқнинг унумдор қатламини сидириб олиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги: тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади; давлат дастурларини ва бошқа дастурларни, стратегияларни ишлаб чиқади, амалга оширади ҳамда назорат қилади; тупроқни муҳофаза қилишга ва унинг унумдорлигини оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ҳамда уларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади; тупроққа оид ва агрокимёвий тадқиқотлар олиб боради, илмий жиҳатдан асосланган тавсиялар ишлаб чиқади; деградацияга учраган ерларнинг ҳисобини юритади ва уларни мувофиқлаштиради; қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлардан мақсадли фойдаланилиши, алмашлаб экишнинг ташкил этилиши, ривожлантирилиши ва олиб борилиши устидан давлат назоратини амалга оширади; тупроқдан оқилона фойдаланилишини ва унинг муҳофаза қилинишини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни қонунчиликка мувофиқ амалга оширади; маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тупроқнинг бузилишига ёки йўқ қилинишига олиб келадиган ҳаракатлар содир этилган, шунингдек тупроқни тиклаш бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда чоралар қўриш тўғрисида тақлифлар киритади; тупроққа оид тадқиқотлар асосида ўсимликлар учун минерал ўғитлар ва бошқа турдаги ўғитларнинг мақбул бўлган нормаларини белгилайди; қишлоқ ҳўжалиги ерларининг рекултивация қилиниши устидан давлат назоратини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлигининг тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги: ерларни сугоришининг сувни тежайдиган, тупроқни ҳимоялайдиган технологияларини жорий этади; сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, барқарорлигини таъминлаш ва деградациянинг олдини олиш чораларини кўради; коллектор-дренаж тармоқлари ва иншоотларининг ишлаш қобилиятини таъминлаш бўйича чоралар кўради, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолайди ва ҳисоботини юритади; илмий-техника ютуқларини, шунингдек сувни тежайдиган замонавий технологияларнинг инновацион усулларини ҳамда илгор тажрибани жорий этади. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг ўзгариши вазирлигининг тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги: тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисидаги қонунчилик талабларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади; ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи моддаларни, минерал ўғитларни, бошқа кимёвий моддалар ва препаратларни транспортда ташин, сақлаш ҳамда қўллаш чоғида тупроқни ифлосланишдан муҳофаза қилишни амалга оширади; тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини оширишга оид тадбирларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер участкалари ижарачилари томонидан бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади; вақтинча фойдаланишга берилган ҳамда қурилиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бошқа таъсирлар натижасида бузилган ерларнинг тиклишини, улар фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирилиши устидан давлат назоратини амалга оширади; чўлланнинг олдини олиш, ўрмонларни тиклаш ҳамда иҳота дархазторларини барпо этиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади; тоғ ёнбағирларида, жарликларда, ташландиқ, яйлор ва фойдаланишдан чиқарилган ерларда эрозияга қарши кўчаторлар (дархазторлар) яратилишини ташкил этади; ўрмон мелиоратив деҳқончилик тизимига илмий ютуқларни ва илгор тажрибани жорий этади; ўрмон фонди ерларининг рекултивация қилиниши устидан давлат назоратини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

14-модда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари: тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасида қабул қилинган давлат дастурларининг ҳамда бошқа дастурлар ва стратегияларнинг амалга оширилишини ташкил этади; тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги худудий дастурларни амалга оширади; шахарсозлик фаолиятини, геологик қидирувни ва фойдали қазилмаларни қазиб олишни, шунингдек қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш чоғида тупроқнинг сидириб олинган унумдор қатламини сақлаш учун жойларни белгилайди. Бунда жойлар бузилган ва унумдорлиги паст бўлган қишлоқ ҳўжалиги ерларидан белгиланади; маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тупроқни муҳофаза қилишга ва унинг унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирларни белгилайди. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш. Тупроқдан самарали фойдаланиш

15-модда. Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги давлат назорати

Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги давлат назорати қуйидагиларга нисбатан амалга оширилади:

тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш, тупроқ ҳолатининг сақланиши соҳасидаги талаблар ва нормаларнинг бажарилишига;

тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш, тупроқнинг ҳолатини яхшилаш, шунингдек тупроқ деградациясининг, бузилиши ва ифлосланишининг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилишига;

тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги камчиликларни бартараф этишга доир чоралар кўришга;

16-модда. Ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг ва ер участкалари ижарачиларининг тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги ҳуқуқлари

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер участкаларининг ижарачилари қуйидаги ҳуқуқларга эга: ўз маблағлари ҳамда жалб қилинадиган бошқа маблағлар ҳисобидан тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш, тупроқнинг ҳолатини яхшилаш, унинг деградацияси, бузилиши ва ифлосланишининг олдини олишга доир тадбирларни мустақил равишда амалга ошириш; тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш чоғида илм-фан, техника ва технология ютуқларидан фойдаланиш; жисмоний ва юридик шахслар томонидан тупроққа етказилган зарарнинг ўрни қолланишини талаб қилиш; Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтидан (бундан буён матнда Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти деб юритилади) ўзига тегишли ер участкасидаги тупроқнинг сифатини баҳолаш тўғрисида ахборот олиш; механизациялаштириш, кимёвий ишлов бериш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, шунингдек урулгик материалнинг тупроқ ҳўжалига таъсири тўғрисида тегишли давлат органларидан ёки ҳўжалик йоритувчи субъектлардан маълумотлар олиш. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер участкаларининг ижарачилари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17-модда. Ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг ва ер участкалари ижарачиларининг тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги мажбуриятлари

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер участкаларининг ижарачилари ўзига тегишли ер участкасида: ерлардан фойдаланиш чоғида тупроқни муҳофаза қилишни, унинг унумдорлигини сақлаш, тиклаш ҳамда оширишни таъминлаши, шунингдек тупроқнинг ифлосланишига ва унумдорлиги пасайишига олиб келадиган ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) йўл қўймаслиги; тупроқ-иклим шароитларидан келиб чиққан ҳолда деҳқончиликнинг илмий жиҳатдан асосланган агротехник тадбирларига риоя этиши; тупроқнинг зичланишига олиб келадиган техника ва технологиялардан фойдаланмаслиги; тупроққа оид тадқиқотларни ўтказишда ҳамкорлик қилиши; тупроқнинг ифлосланишига йўл қўймаслиги; тупроқнинг шўрланишига қарши агротехник тадбирларни амалга ошириши; сугориладиган, ҳайдаладиган ерларнинг даврий равишда текисланишини амалга ошириши; сугориш режимига ва нормаларига риоя этиши; тупроқ-иклим шароитларини ва ўсимликлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда минерал ўғитлардан табақалаштирилган тарзда фойдаланиши; тупроқ деградациясига қарши тадбирларни амалга ошириши, тупроқ деградацияси ҳоллари тўғрисида тегишли давлат органларни хабардор қилиши; шахарсозлик фаолиятини, геологик қидирувни ва фойдали қазилмаларни қазиб олишни, шунингдек қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш чоғида тупроқнинг мавжуд унумдор қатламини сидириб олиши ва сақлаши шарт. Ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларининг ва ер участкалари ижарачиларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Тупроқнинг унумдор қатламини сақлаш ва ерларни рекултивация қилиш

Шахарсозлик фаолиятини, геологик қидирувни ва фойдали қазилмаларни қазиб олишни, шунингдек қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш чоғида мазкур фаолият турларини амалга оширувчи субъектлар томонидан тупроқнинг унумдор қатлами сидириб олинди ва сақланади. Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш чоғида сидириб олинган тупроқнинг унумдор қатламини қурилиш ташкилотлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан белгиланган жойларга сақлаш учун олиб чиқади. Шахарсозлик фаолияти, геологик қидирув ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш, шунингдек қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган бошқа фаолият учун ерларни ахратиш лойиҳаларини ишлаб чиқаш чоғида тупроқнинг унумдор қатлами Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти томонидан лойиҳа ижрочиларининг буюртмасига асосан аниқланади. Шахарсозлик фаолиятини, геологик қидирувни ва фойдали қазилмаларни қазиб олишни, шунингдек қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш чоғида тупроқнинг унумдор қатлами сидириб олинмаганлиги ва сақланмаганлиги факти аниқланган тақдирда, етказилган зарарнинг ўрни белгиланган тартибда маҳаллий бюджетга қопланади. Мазкур пул маблағларидан қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмаётган сугориладиган ерларни фойдаланишга киритиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун фойдаланилади. Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларда ҳамда ўрмон фонди ерларида геологик қидирувни ва фойдали қазилмаларни қазиб олишни, шунингдек қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган бошқа фаолиятни амалга оширувчи субъектлар мазкур ерларни ўз маблағлари ҳисобидан рекултивация қилиши шарт.

19-модда. Тупроқнинг ҳолатини ва сифатини баҳолаш нормалари

Тупроқнинг ҳолатини ва сифатини баҳолаш нормалари Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги томонидан тегишли вазирликлар билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

20-модда. Тупроқни ўрганиш

Тупроқни ўрганиш тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш мақсадида тупроқнинг ҳолатини ўрганиш, унинг сифатини баҳолаш ҳамда тупроқ деградацияси даражасини аниқлаш орқали амалга оширилади. Тупроқни ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг, Сув ҳўжалиги вазирлигининг, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ваколатли ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер участкаларининг ижарачилари ўзига тегишли ер участкаларида тупроқни ўрганишни амалга ошириши мумкин.

Ўрганиш давомида танлаб олинган тупроқ намуналарини таҳлил қилиш аккредитация қилинган лабораторияларда амалга оширилади.

Тупроқни ўрганиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан белгиланган тегишли шакллар бўйича расмийлаштирилади.

21-модда. Тупроқ хариталари

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг, шунингдек туманларнинг (шаҳарларнинг) тупроқ хариталарида тупроқнинг турлари бўйича географик жойлашуви, механик таркиби, шўрланиш, эрозия даражаси, ўзлаштирилиш даври ва тупроқ ҳосил қилувчи жинслар акс эттирилади.

Тупроқ харитаси тупроқ қопламини ўрганишга, тупроқ мониторингига оид маълумотлардан ва тупроқ тўғрисидаги бошқа ахборотдан фойдаланиш асосида тузилади.

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг, шунингдек туманларнинг (шаҳарларнинг) тупроқ хариталарини тузади ҳамда улар асосида Ўзбекистон Республикасининг тупроқ харитасини тузишни ва янгиланиш ташкил этади.

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти томонидан тупроқни ўрганиш натижалари асосида тупроқ сифатини баҳолаш (бонитировка), шўрланиш, эрозия хариталари, агрокимёвий, экологик ва бошқа тематик тупроқ хариталари тузилади.

Тупроқ хариталарини тузиш ва янгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

22-модда. Тупроққа оид маълумотлар фонди

Тупроқни ўрганиш ва тупроқ мониторинги натижасида олинган тупроқнинг ҳолати ва сифати тўғрисидаги маълумотлар (материаллар) тупроққа оид маълумотлар фондини ташкил этади.

Тупроққа оид маълумотлар фонди қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг, шунингдек туманларнинг (шаҳарларнинг) тупроқ хариталари; тупроқнинг сифатини баҳолаш (бонитировка), шўрланиш, эрозия хариталари, агрокимёвий, экологик ва бошқа тематик тупроқ хариталари; тупроқни ўрганишга оид маълумотлар; тупроқ мониторинги маълумотлари. Тупроққа оид маълумотлар фонди Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти тасарруфида бўлади. Тупроққа оид маълумотлар фондини ҳисобга олиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги томонидан белгиланади.

23-модда. Тупроқ мониторинги

Тупроқ мониторинги тупроқдаги ўзгаришларни даврий кузатиб бориш тизими бўлиб, у ерлар мониторингининг таркибий қисmidир.

Табиий ва антропоген омиллар таъсирида тупроқнинг кимёвий, биологик, физикавий ҳамда бошқа хусусиятлари ўзгаришини аниқлаш тупроқ мониторинги объектидир.

Тупроқ мониторинги Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти томонидан амалга оширилади.

Тупроқ мониторинги натижаларига кўра тупроқнинг ҳолатидаги салбий жараёнларни прогноз қилиш, уларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. Тупроқ мониторинги натижалари ва тавсиялар тегишли давлат органларига тақдим этилади.

24-модда. Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги илмий тадқиқотлар

Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги илмий тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, тегишли соҳага оид илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим ташкилотлари, шунингдек бошқа илмий ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

ТИЗИМЛИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этилиб, коммуникация тизимлари замон талаблари асосида модернизация қилинмоқда. Айни чоғда гавжум шаҳарларда тирбандликнинг олдини олиш ва автотранспорт воситаларидан чиқаётган заҳарли газларни камайтириш мақсадида жамоат транспортини ривожлантириш ва йўлларни тартибга солиш ишлари рўйбга чиқарилаётир.

Фикр

Бунинг барчаси яхши. Аммо ҳали олдимизда залларли вази-фалар ҳам турибдики, уларни ҳал этиш бугун нихоятда долзарб. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 29 январь куни бўлиб ўтган уй-жой ва коммунал хўжалиги, қурилиш, транспорт ва экология соҳаларидаги устувор вазифаларга бағишланган видео-селектор йиғилишида ана шу масалалар чуқур таҳлил қилинди. Айниқса, ушбу соҳаларда ҳалигача етарлича камчиликлар мавжудлиги ҳамда уларни бартараф этиш чоралари қўрилмаётганлиги алоҳида ургуланди. Дарҳақиқат, жойларда қурилиш саноятда замонавий стандартларнинг жорий қилиниши ва сифатини таъминлашда кўплаб камчиликлар мавжуд. Бунга ҳудудларда олиб борган назорат-таҳлил фаолиятимиз давомида ўзимиз ҳам кўп бор гувоҳ бўлмоқдамиз. Илгор технологиялар ва жиҳозларнинг етиш-

маслиги ҳамда назорат сустилиги ҳам иш сифати пасайишига олиб келмоқда. Асосий камчиликлардан яна бири эса қурилиш майдонларида материаллар сифат стандартларига мос келмаслиги ҳамда ишчи кучининг етарлича малакага эга эмаслиги билан боғлиқ. Қолаверса, қурилишларда талон-торож ва ўғрилиқ ҳолатлари ҳам тез-тез кузатилади. Шунингдек, йиғилишда уй-жойлар ва сув етказиб бериш таннархлари, йўл қурилишида "аширин иқтисодиёт" улуши юқорилиги, Тошкент шаҳрида тирбандлик муаммоси ҳамда унинг экология ва атроф-муҳитга салбий таъсири масалаларига ҳам эътибор қаратилдики, буларнинг қанчалик муҳимлигини барчамиз яхши тушунамыз. Эндиликда мазкур масалалар назорат мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбар-ходимларини, балки барча-барчамизни бирдек ташвишга солиши зарур. Кези келганда айтиш керакки, сўз юритилаётган соҳаларда назоратни кучайтириш ҳамда улар-

даги коррупциявий ҳолатларга нисбатан муросасиз кайфиятни шакллантириш орқали тизимни ривожлантириш вақти аллақачон келган. Бунинг учун ҳар бир қурилиш белгиланган режа асосида амалга ошириши, қурилиш материаллари ва ишларнинг сифатини назоратга олиш, соҳада тендер савдолари шаффоф ва очиқ ўтказилишига эришиш ҳамда "коррупциясиз соҳа" дастурлари бажарилишини таъминлаш, автотранспорт воситалари ва саноят корхоналаридан чиқаётган заҳарли моддаларни мумкин даражада камайитириш чораларини кўриш, энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этиш талаб қилинади. Кўриниб турибдики, вази-фалар нихоятда залварли. Уларни фақатгина ҳамжиҳатликда ҳал қилиш мумкин бўлади. Яъни бу нафақат мутасадди вазирлик ва идоралар, айни чоғда парламентимиз зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Аслида, сўз юритилаётган муаммолар кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас, уларнинг илдизи анча илгарига бориб тутади. Шу маънода, Олий Мажлис Сенатиде бу борада муайян ишлар бошлаб юборилган. Янгиланган Конституцияимиз асосида Сенатни ҳудудлар манфаатини ифода этувчи органга айлантириш мақсадида ҳудудлар билан ишлайдиган марказ ташкил қилинган бўлиб, айни пайтда ушбу тузилма томонидан ўрганиш ишлари олиб борилаётир.

Қолаверса, Сенат Раиси бошчилигидаги Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши йиғилишларида жамиятдаги энг муҳим ва долзарб бўлган соҳаларда аниқланган муаммо ҳамда камчиликларни чуқур муҳокама қилиш ва натижага бўйича зарур чораларни белгилаш амалиёти йўлга қўйилган. Адолат нуктаи назаридан айтишда, ҳозирги тезкор замонда шуларнинг ўзи билан қиёяланмиш мумкин эмас. Бу Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлашда сенатор ва депутатлар янада фаоллик кўрсатишлари керак, дегандидир. Ҳўш, тизимли муаммоларни ҳал этишда парламентнинг ўрни қандай бўлиши керак? Аввало, парламент вакилларининг парламент назорати доирасида Олий Мажлис палаталари, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар томонидан соҳаларда олиб борилаётган ишлар мунтазам равишда ўрганилиб, натижага атрафли-ча муҳокама қилиб борилиши мақсада мувофиқ. Аниқланган камчиликларни эса вақтида бартараф этиш ҳамда келгусида юзага келишининг олдини олиш мақсадида, жамоатчилик фикри асосида аниқ чоралар белгилаб олинса, нур устига нур бўлади. Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси.

МУРОЖААТЛАРГА ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Гап шундаки, Қарши магистраль каналдан фойдаланиш бошқармасининг 5 та сув ҳайдаш насоси электр энергиядаги узиллишлар сабабли тўлиқ қувватда ишламаётган эди. Бу эса фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳолига экин майдонларини сугоришда қийинчилик туғдириб, уларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганди. Сенатнинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида Қарши магистраль каналдан фойдаланиш бошқармасига ҳар ойда электр энергиясининг шартномавий миқдорига қўшимча лимитлар ажратилиб, тегишли ўзгартиришлар киритиб келинмоқда. Ҳозирда мазкур бошқармага қарашли насос станциялар каскадида 5 қатор насос агрегатлари бир маромда ишламоқда. Қолаверса, Энергетика вазирлиги томонидан уларни барқарор электр энергияси билан таъминлаш мақсадида "Худудий электр тармоқлари" АЖГА кўрсатмалар берилди. Умуман, сенаторларнинг шу каби саъй-ҳаракатлари туфайли жойлардаги муаммолар ўз вақтида бартараф этилмоқда.

ФРАКЦИЯЛАР ҲАЁТИ

ЎзЛиДеП



Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Баҳром Раҳмоналиев** партия депутатлари ва фаоллари иштирокидаги тадбирда мактабга таълим тизимида давлат-хусусий шериклик алоқалари яхши йўлга қўйилгани, бироқ ушбу ҳамкорлик мактаблар кесимида самарали амалга оширилмаётгани бўйича ўз фикрларини билдирди. "Мактабга таълим тизимида давлат-хусусий шериклик алоқалари ижобий натижа кўрсатаётганлигини кўрмоқдамиз. Лекин жойларда бундай лойиҳаларнинг афзалликлари ва имтиёзлари ҳақида ҳуқуқий тарғибот етарли даражада ташкил этилмаган. Шу сабабли ҳам давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида фаолият юритаётган мактаблар сони камлигича қолмоқда. Беш томфадаги ҳудудларимиз учун белги-ланган имтиёзни давлат-хусусий шериклик йўналишидаги лойиҳалар учун ҳам қўллаш масаласини йўлга қўришимиз керак. Ана шунда давлат билан ҳамкорликда йўлга қўйилган хусусий мактабларимиз сони ҳам ошади, улардаги нарх-наво ҳам барқарорлашади", деди депутат.

«Миллий тикланиш» ДП

Қонунчилик палатасидаги "Миллий тикланиш" ДП фракцияси аъзоси **Нодирбек Тилаовдиев** шу кунларда қизгин муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси ҳақида тўхталиб, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир этувчи моддаларнинг рекламаси учун жавобгарликни кучайтириш билан чекланиб қолмаслик кераклигини таъкидлади. "Биз зарарли моддаларнинг рекламаси ёки тарғиботи учун белгилаётган жавобгарликдан ташқари, уларни олиш, ташиш, сақлаш ва жўнатиш учун белги-ланган жазо чорасини ҳам кучайтиришга эътибор қаратишимиз зарур. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда ушбу тақлифимиз масъул кўмита томонидан қўриб чиқилишига умид қиламан", деди депутат тегишли қонун лойиҳасига оид муҳокама жараёнида.

«Адолат» СДП

Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мактебини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади. "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Ойдин Абдуллаева** опа-сингилларимизнинг дунёқарашини бойитишда санъат ва маданиятнинг таъсирчан воситаларидан фойдаланиш ижобий самара беришини қайд этиди. "Хорижий фильмларда оддий фаррошдан то менежергача йўлни босиб ўтган кучли аёллар ҳақидаги сюжетларга тез-тез дуч келаёмиш. Ўзимизда ҳам хотин-қизларни руҳлантирадиган, ҳаёт йўлида уяраётган тўсиқ ва муаммоларни ҳал қилишга куч топа олишига ундайдиган миллий кино ва асарларимизни кўпайтиришимиз керак", деди депутат.

ЎзХДП

Ўтган ҳафтада қуй палатада Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг республикада қуй палатада атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш борисида амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилган эди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси **Дилором Имомова** сайловчиларни ўйлантириб турган масалада нуктаи назарини билдирди. "Худудларимизда туризмни ривожлантиришга қаратилган бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинишига қарамай, мамлакатимизнинг сўлим, тоғли худудларида, аҳоли яшаш пунктларига яқин жойларда, муҳофаза этиладиган ҳудудларда экологияга зарар етказувчи цемент заводларининг қурилишига ружат берилишига чек қўйиш керак", деди депутат ва бу бўйича бир қатор тақлифларини илгари сурди.

2024 йилги давлат дастури лойиҳаси:

АНИҚ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН



Зумрад БЕКАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Мамлакатимизда мактабга таълим тизимига қамровни ошириш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, давлат мактабга таълим муассасалари билан бирга давлат-хусусий шериклик шаклидаги, хусусий ва оилавий мактабга таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Натижада сўнгги йилларда республика бўйича мактабга таълим ташкилотлари сони ҳамда болаларнинг бу тизимга қамрови даражаси ошди. Бугунги кунда 2017 йилдаги нисбатан мактабга таълим ташкилотлари сони 52111 тадан қарийб 29,5 мингтага етказилган бўлса, унга қамров ҳам 2,5 баробар ошиб, 72 фоизга етди. 2024 йилги давлат дастури лойиҳасида ҳам мактабга таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда болаларнинг тўлиқ қамровини таъминлашга қаратилган устувор вазифалар ўрин олгани эътиборга молик. Хусусан, қамров даражасини 2024 йил якунига қадар 76 фоизга етказиш мақсадида 1 400 та давлат-хусусий шериклик асосидаги, шу жумладан, оилавий мактабга таълим ташкилотларини ташкил этиш, инвестиция дастури доирасида 38 та мактабга таълим ташкилотини қуриш ва 134 тасини реконструкциялаш орқали 10 460 та қўшимча янги кўват яратиш, 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлов тизими билан қамров даражасини 96 фоизга етказиш мақсад қилинган. Шунингдек, тайёрлов тизимини такомиллаштириш учун 170 та давлат мактабга таълим ташкилотининг мактабга тайёрлов гуруҳларида замонавий ланшардлар ва сенсор экранли интерфаол доскалардан иборат компьютер гуруҳларини очиб шун техникалар харид қилиш, такомиллаштирилган "Илк қадам" давлат ўқув дастури асосида республика бўйича 30 нафар миллий мастер тренери, худудлар кесимида эса 206 нафар, мактабга таълим ташкилотлари бўйича 6 минг 661 нафар мето-

дист ва педагогни ўқитиш ҳамда тайёрлаш белгиланмоқда. Дастур лойиҳасидан ўрин олган ушбу вазифаларнинг удраланиши, шубҳасиз, мактабга таълим ташкилотларига қамров даражаси ошишига, 6 ёшдаги болаларни мактабга тайёрлов сифати янада яхшиланишига, энг муҳими, соғлом болалар сафи кенгайишига хизмат қилади. Айни пайтда дастур лойиҳаси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан чуқур ўрганилиб, фракциялар, кўмиталарда кенг муҳокама қилинмоқда. Жумладан, "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида ҳам атрофлича қўриб чиқилиб, партия сайловлиди дастуридан келиб чиққан ҳолда таълим ва тарбия тизимини ислоҳ қилиш, туризмни янада ривожлантиришга оид қатор тақлифлар билдирди. Умуман олганда, дастур лойиҳасида мамлакат тараққийётининг 2024 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари аниқ белгиланган бўлиши, уларнинг барчаси аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, таълим сифатини ошириш, болаларга таълим ва тарбия бериш жараёнида миллий ва замонавий услублар уйғунлигини таъминлашга замин бўлади. Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты: — Кенг жамоатчилик муҳокамасидаги давлат дастури лойиҳасида барча соҳа қаторидаги соғлиқ сақлаш йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани қувончли хол. Хусусан, аҳоли саломатлигини сақлаш, ўртача умр давомийлигини ўзайтириш, сурункали касалликларни барвақт аниқлаш, аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштиришга қаратилган вазифалар белгилаб қўйилгани айни мўдадо бўлди. Шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борисида болалар орасида ирсий касалликларнинг олдини олиш, селектив скрининглар ўтказиш, аниқланган ҳолатларда даволаш учун аниқ маблағ манбалари белгилаб берилган диққатга сазовор. Халқ демократик партияси дастурида пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар, Мурувват, Саховат ва



Мехрибонлик уйларида яшовчилар, аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий хизмат кўрсатиш, уларни до-ри-дармонлар ҳамда тиббий воситалар билан таъминлаш ва ижтимоий дорихоналарнинг тармоғини яратиш ҳамда фаолиятини ташкил этиш нозиратини амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Дастур лойиҳасида назарда тутилган вази-фалар партияимиз мақсад ва голярига уйғун ҳамда ҳамоҳандир. Айниқса, онкологик, онкогенетологик касалликларни эрта аниқлаш учун бирламчи тизимда фаолият юритаётган тиббий ходимларнинг "онкогоҳлик" бўйича малакаларини оширишга эътибор қаратилганлигини қўлаб-қуватлаймиш. Шу билан бирга, худудлардаги аҳоли сонидан келиб чиқиб, янги оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникаларини ташкил этиш, буйрак касалликларини эрта аниқлаш бўйича скрининг амалиётини жорий қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларни сифатли ва замонавий протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган вазифалар эътирофга лоик. Инсон саломатлиги — энг буюк неъмат. У шунчалик бебаҳоки, ҳеч қандай мезонга тенглаштириб бўлмайдми. Дастур лойиҳасидан ўрин олган вазифалар инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан оширишга замин яратади. Турсуной МУРАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты: — Таълим соҳаси давлатимиз эътибор марказидаги энг муҳим йўналишлардан саналади. Бу бежиз эмас. Чунки ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти бўлиб камол топиши таълим муассасаларида яратилган шарт-шароитларга ҳамда таълим сифатига бевосита боғлиқ. Шу нуктаи назардан айтганда, 2024 йилги



давлат дастури лойиҳасининг асосий қисми таълим соҳасига қаратилган бўлиб, унда ушбу йўналиш 44 та мақсадни ўз ичига олган. Биринчи мақсад — мактабга таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда болаларнинг тўлиқ қамровини таъминлаш бўлиб, бу борада аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда.

Шу ўринда сифатли таълим беришда устуворларнинг ўрни бекиёслигини алоҳида қайд этиш жоиз. Шу боис лойиҳада умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, уларда коммуникатив қўникмалар, креатив фикрлаш хислатларини ривожлантириш, ўқитувчиларнинг эса янги методикалар бўйича тажрибасини кучайтириш, 100 нафар педагогни хориж давлатларига "Эл-юрт умиди" жамғармаси кўмағида, тасдиқланган режа асосида малакасини ошириш учун юбориш кўзда тутилгани эътиборга молик. Шу билан бирга, синов тарихида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг олис ва чекка худудларида жойлашган ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун бепул автобуслар қатновини ташкиллаштириш, шу орқали уларнинг ҳавфсиз ва қўлай бориб келишини йўлга қўйиш назарда тутилган. Мухтасар айтганда, давлат дастури лойиҳасида белгиланган вазифалар юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади. Айниқса, таълимга оид чора-тадбирлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама қўлаб-қуватлашда кенг иш-коният яратади. Биз, депутатлар 5 ўз навбатида, дастуриламал ҳужжатда илгари сурилаётган ҳаётий ташаббус ва тақлифларни қўлаб-қуватлаган ҳолда уларнинг ижросини таъминлашда парламент назоратининг таъсирчан механизмларини татбиқ қилиш орқали янада фаол иштирок этишимиз мақсадга мувофиқдир.

Дарё ва кўлларнинг экотизим барқарорлигидаги аҳамияти Тақлифларга бой ўтган йиғилишда иштирокчилар дарё ва кўлларни, сув-ботқоқ худудларини муҳофаза қилиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларига соҳа мутахассисларидан батафсил жавоб қилди.

СУВ ҲАВЗАЛАРИНИ АСРАШ ЗАРУРАТИ

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси томонидан "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети билан ҳамкорликда 2 февраль — Бутунжаҳон сувли-ботқоқли худудлар куни муносабати билан "Сув ҳавзаларини асраш — экологик барқарорлиқнинг муҳим омил" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Қайд этилганидек, мамлакатимизда қушларнинг 460 дан ортик турлари мавжуд, уларнинг аксарияти республикамизда худуди орқали баҳорги ва кузги миграция даврида қисқа мuddатда учрайди ва уларнинг асосий қисми сув ҳавзалари ва уларнинг қирғоқ зоналарида кўним топади. Табиий муҳитга таъсир қўламини ортиси оқибатида нафақат қуруқлик, балки сув ҳавзалари экотизимларида ҳам жиддий ўзгаришлар сод бўermoқда. Зеро, сув ҳавзалари нафақат инсоният моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, балки ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзига хос яшаш муҳити сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, 1971 йил 2 февралда "Халқаро аҳамиятга эга, асосан, сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойлари ҳисобланган сув-ботқоқ худудларни тўғрисида"ги конвенция қабул қилинган ва 1997 йилдан буюн 2 февраль — Бутунжаҳон сувли-ботқоқли худудлар куни сифатида дунё жамоатчилиги, жумладан, юртимизда экологик сана

сифатида нишонлаб келинади. Ўзбекистон ҳам шу Конвенция тарафдори бўлиб, мазкур халқаро ҳужжат рўйхатида "Тудакўл", "Қуймозор", "Денгизкўл", "Судочье" ва Айдар-Арсасой кўллар тизими киритилган. Бу худудлар кўчиб юрвчи қушлар учун қўлай кўнимгоҳлардир. Шу боис ҳам бундай худудларни муҳофазалаш, уларнинг табиий-иқлимий шароити барқарорлигини сақлаб қолиш муҳим ҳисобланади. Негаки, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига кирган ҳайвонларнинг 37 тури, шу жумладан, қушлар ва балықлар сувли-ботқоқли худудларда яшайди. Қушларни орнитологик жиҳатдан комплекс ўрганиш, айниқса, уларда учровчи қушларнинг тур таркиби ва сони динамикасини тадқиқ этиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда ҳамда бу бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. Тадбирда эътироф этилганидек, айни вақтда Сенат томонидан Рамсар рўйхати киритилган Айдар-Арсасой кўллар тизимида экологик вазиятни сақлаб қолиш ва соғломлаштириш борисида амалга оширилаётган ишлар устидан парламент назорати йўлга қўйилган. Давра суҳбатида бу борадаги дол-

ДАРЕ ВА КЎЛЛАРНИНГ ЭКОТИЗИМ БАРҚАРОРЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Тақлифларга бой ўтган йиғилишда иштирокчилар дарё ва кўлларни, сув-ботқоқ худудларини муҳофаза қилиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларига соҳа мутахассисларидан батафсил жавоб қилди.

Баҳолаш фаолиятига оид қонун лойиҳаси тақомиллаштирилмоқда

Парламент қуй палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан Адлия вазирлиги ҳузурдаги Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказида "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонунни қўллашнинг амалдаги тартиби, шунингдек, суд экспертларининг баҳолаш йўналишидаги фаолияти ўрганилди. Дастлаб депутатлар марказдаги экспертиза лабораториялари ва улардаги замонавий техник воситалар имкониятлари билан яқиндан танишди. Мутахассислар билан бўлган очик ва самимий суҳбат жараёнида соҳага оид долзарб масалалар, уларни шакллантиришда эътибор қаратиш лозим бўлган ҳолатлар, баҳолаш жараёнида мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Экологик партияси

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўлаб-қуватлаш йили" да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси муҳокамасида Экологик партия фракцияси аъзоси **Ислом Хушвақтов** экологияни асрашга ҳисса қўшадиган тадбиркорларни рағбатлантириш механизмининг жорий этиш тақлифини илгари сурди. "Меҳнат бозорига, айниқса, сановат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида "Яшил ишчи ўрни"ни ташкил қилиш ва бу бўйича фаол иш олиб бораётганларга имтиёз бериш вақти келди, деб ўйлайман. "Яшил ишчи ўрни" — бу атроф-муҳитга минимал зарар етказадиган ва экологияни сақлаш ҳамда тиклашга ҳисса қўшадиган ишчи ўрни ҳисобланади. "Яшил" технологиялардан самарали фойдаланиб келаётган иш бевувиқларга имтиёзлар қўллаш масаласи кун тартибидан ўрин эгаллаши лозим", деди депутат.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

ИЛОҲИЙ ҲИКМАТЛАР — ТЕРАН ҚАРАШЛАР АСОСИ



Ҳадис ислом оламида Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас ғоявий-маънавий, ижтимоий-ҳуқуқий манба ҳисобланади. Ислом дунёси халқлари тарихи, маданияти, фалсафаси ва адабиётида ҳадисларнинг таъсири бениҳоя катта. Ушбу манба мусулмон дунёси илм аҳли томонидан чуқур ўрганилган ва бу билан “муҳаддислик” деган маъносини соҳага асос солинган.

Ҳадисларда нафақат фарз, вожиб, суннат, ҳалол, ҳаром, макруҳ каби ислом дини арконлари, балки умуминсоний фазилатлар, ҳалоллик, поклик, ҳайр-эҳсон, ҳиммат, саҳийлик, биродарлик ва бошқа кўпгина мусулмончилик ахлоқи мезонлари, ахлоқ-одобга доир кўрсатмалар ҳам талқин қилинади.

ди. Ҳар бир асари ҳукмрон мафкура призмасидан ўтказилиб баҳоланди, муносабат билдирилди. Айниқса, шoirнинг диний-тасаввуфий мазмундаги битикларига етарли урғу берилмади, улар асар ҳолларида моҳиятан бузиб талқин қилинди.

Аслида Алишер Навоий ҳадисларни шундай юксак маҳорат билан бадииятга кўчирганки, улар ўқувчи қалбига тез ўрнашади. Шейрий мисраларга мазмунан мувофиқлаштирилган ҳадисларни ҳам улуғ шoir ижодида кўп қузатамиз. Масалан:

Булардин гар ағло, гар адно дурр.
Ким, андин ҳалоқққа изо дурр.
Шаҳ ўтурмак авлодур ул эли бот.
Ки, дебдур Набий: “Уқтул ул-муъизет”.
Ёки:

Ҳалоқққа ийзо аларга сифот,
Набий дедиким: “Уқтул ул-муъизет”.

Алишер Навоий танлаган бундай услуб у яратган шейрий мисраларнинг ғоявий-бадиий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Ҳадислар инсонни ахлоқдан пок ва руҳан бағоватга етказишда муҳим омил ҳисоблангани туфайли адиблар бундай илоҳий-ирфоний сарчашмаларга тез-тез мурожаат қилишган. Бадиий адабиётда ахлоқий-маънавий йўналишдаги 40 ҳадис таъсирида “Чиҳил ҳадис” (Арбаин) яратилиши аънаъна шаклланди.

Улуғ мутафаккир шoir Абдурахмон Жомий энг саҳиб, ёдлагча осон бўлган қисса, ахлоқий мавзудаги ҳадислардан 40 тасини ажратиб олиб, улар мазмунини форсийда назмга солиш орқали “Чиҳил ҳадис” асарини яратди. Алишер Навоий эса устози Жомийнинг ижозатини олиб, унинг ушбу асарини форсийдан туркийга ўзини кўрди. “Арбаин” асари шу орқали дунё эҳлини кўрди.

Алишер Навоий асарларининг манбалари ҳақида гап борганда, шунинг эътибордан қочирмаслик лозимки, у ўзигагина бўлган араб, форс ва туркий адабий-маънавий мерос билан пухта танишиб чиққан. Уларнинг энг яхши аъна-

наларидан сабоқ олиб, ижодий адабий тажрибасида ривожлантирган. Улуғ шoir ўша жаҳоҳирот ҳазинасидаги ижтимоий-маънавий, ахлоқий-маърифий тарбияга оид асарларини алоҳида эъозлади. Уларда акс эттирилган гўзал фазилатлар билан ўз қаҳрамонларини беъади. Ҳақ ва айни шу руҳдаги асарлар ёзиш билан соҳа раванқига катта ҳисса қўшди. Бундай асарларнинг барча-барчаси келажак авлоднинг юксак салоҳиятли инсонлар бўлиб етишишида дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Алишер Навоий “Назм ул-жаҳоҳир”дан ўрин олган рубоийларида ҳаётнинг бебақолиги, умрнинг ўткинчилиги, одам ўз умрини яхшиликка бағишласанга унинг номи абадий қолиши, “олам гули” бўлган инсон учун энг муҳим неъмат олтин-кумуш эмас, балки одоб эканлиги таъкидланади.

Гўзал хулқлар — ҳаё ва ибод, мардлик, кеҳиримли бўлиш, сабр-қаноат, одиллик, мулоимлик, саҳийлик, меҳрибонлик, аҳдага вафо, дўстга садоқат инсон сийрати гўзаллигидан нишон. Дин инсонлар ўртасида хушхулқликни тарғиб этади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам “Дин насиҳатдир”, дея марҳамат қилади. Чунки динимизнинг асл ғояси ёмон феъл-атвордан покланган, одоби гўзал, хушхулқ инсонни тарбиялашдир. Шу жиҳатдан “Назм ул-жаҳоҳир”ни яхлит ҳолда нодир ахлоқ тарғиботига қаратилган мажмуа дейиш мумкин.

Улуғ шoir давр аҳлини иллатлардан холи кўриш ва лоқайдликка кескин зарба бериш ниётида. Покланган инсон эса дин ва иймон нуридан баҳраманд бўлишга сазовор.

Чунки, “Назм ул-жаҳоҳир”даги дастлабки ҳикмат ва рубоий вафо ҳақида. Табиийки, улар ҳам иймон нури билан йўғрилган.

Мухтасар айтганда, ўзининг кенг қамровли маънавий меросида ўлмас умумбашарий ғоялар тарғиботи кифасида намоеён бўлган улуғ шoir “Назм ул-жаҳоҳир”да ҳам ўз аънаънасига содиқ қолган. Мазкур дурдоналар юртимизда баркамол шахсини тарбиялаш, миллий ғояни янада тақомиллаштиришга хизмат қилишда давом этади.

Ким олам аро диёнати йўқтур онинг,
Дин нуқтасида фатонати йўқтур онинг,
Диндор улким, хиёнати йўқтур онинг,
Йўқ дин ансаким, амонати йўқтур онинг.

Рубоийда барча инсоний фазилатларнинг қамраб олиниши кишини ҳайратга солади. Яъни аҳдага вафо — иймон; ҳаё, вафо, саховат — иймон; олий ҳимматлилик — иймон. Бошқача айтадиган бўлсак, иймон — қалбга қувват, огоҳлик, поклик...

Шoir яна бир тўртлигида кишининг иймони аҳдага вафо қилишида кўринишини таъкидлайди:

Иймони аниқки куфрға сотир эрур,
Ҳар нуқта демакка ул киши қодир эрур,
Ҳар кимсаки иймон ишда моҳир эрур,
Иймонини билки, отидин зоҳир эрур.

Иймоннинг бир қисми ҳаё, бир қисми вафо, бир қисми саҳийликдир:

Уч қисм ила иймонга бино фаҳм айла,
Аволагисини онинг ҳаё фаҳм айла,
Иккинчисини доғи вафо фаҳм айла,
Учунчини билмасанг, саҳо фаҳм айла.

Ҳаё, вафо ва саҳийлик — иймон биносининг устунлари. Бу гўзал хулқлар инсонларни доим яхшилик сари етаклайди, ёмон ишлардан сақлайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Ҳаё фақат яхшилик келтиради”, мазмунини ҳадисда ҳаётнинг яхшиликни ҳаракатга келтирувчи куч сифатидаги қудрати таъкидланган. Улуғ мутафаккир ҳам аҳда вафони иймоннинг яна бир нишониси, деб талқин қилади. Тўртинчи мисрадаги саховат эса иймон етуклиги белгиси. Ўзгалар муҳаббатини ўйғотуви ҳам, шараф ва мартаба орттирувчи ҳам, кишини севики қилувчи ҳам саховатдир.

Қуръоннинг кўпгина оятларидаги сингари пайғамбаримиз ҳадисларида ҳам мўмин-мусулмонларни билимли, маърифатли, ўқимшли бўлишга даъват, илмнинг динни мустаҳкамлаш, эътиқодни поклашдаги таъсири, инсон ҳаёти ва жамиятдаги ўрни, унинг фазилати ҳақида ажойиб фикрлар мавжуд. Илм — миллатнинг фаровон яшashi, диннинг мустаҳкамлаши учун керак бўлган маънавий ҳазина. Мўмин ва мўминаларнинг дини миллат, халқ, фан фойдасига ярайдиган маънавий бойликни ўрганишга сарфлаган вақти ҳар қандай тоатдан арзал. Боиси ҳар қандай тоатнинг боши маърифатдир.

Ҳақибону ОЧИЛОВА,
Бухоро шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.



АЛЛОМАЛАР МЕРОСИ — АВЛОДЛАР ҚУЁШИ

Юртимиз келажаги бўлган ёшларимизни ёт ғоялар таъсиридан асраш, уларнинг оммавий маданият ва дин никоҳи остидаги бузғунчи оқимлар таъсирига берилмаслигининг олдини олиш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб тус олмоқда. Шу боис Шарқда қузатилган ҳар икки Ренессанс даврида ҳам дунёвий, ҳам диний илмлар бўйича жаҳоннинг энг илгор олимлари қаторида турган, ислом дини ва умумбашарий цивилизация ривожига беназир ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Муин Насафий, Имом Мотуридий каби буюк мутафаккир алломаларимизнинг инсоният раванқига улкан таъсир кўрсатган таълимотлари ўрганилмоқда, тадқиқ қилинаётир. Ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилган дурдона асарларнинг чоп этилиши ёшлар таълим-тарбиясида катта роль ўйнамоқда.

Тақдимот

Куни кеча Ўзбекистон халқаро ислом академиясида Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридagi Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан 2023 йилда нашрга тайёрланган янги китоб ва рисоаларнинг навбатдаги тақдимотида шу хусусда сўз борди.

Тақдимотда дастлаб Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2023 йил давомидаги фаолияти ва нашрга тайёрланган Имом Бухорийнинг “Ат-Тариху-с-сағир”, Абу Жаъфар Мухаммад ибн Абу Хотим Варроқ Бухорийнинг “Шамойли Бухорий”, Абу Азабанин “Ар-Равзатул Баҳийя”, Имом Доримийнинг “Сунани Доримий”, Алуддин Косонининг “Косоний ақидаси”, Саййид Абдулмоъжид Фаврийнинг “Ҳадис илми истилоҳлари энциклопедияси” асарлари, шунингдек, “Ислом динида тинчлик” ва “Фулувнинг хатарлари” номли рисоалар тақдим этилди.

Тақдимотда сўзга чиққанлар Имом Бухорий ва аллома аждодларимиз меросини ўрганишнинг аҳамияти, тақдим этилаётган китобларнинг бугунги кундаги илмий қиймати, мутафаккирлар асарларини тадқиқ этишнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболдаги вазифалари, шунингдек, янги Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада олиб борилаётган ислохотлар ҳақида батафсил тўхталиди.

Утган давр мубойида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан “Жаҳолатга қарши — маърифат” ғояси асосида жами 1400 га яқин маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Дин ишлари бўйича қўмита билан ҳамкорликда диний мазмундаги 442 та материал таҳлил қилинди ва 124 та видеоролик шаклида раддия тайёрланиб, шундан 114 таси “YouTube”га жойланди. “Ҳадис маърифати” рункида 65 та видеодарс, “Бухорийга эҳтиром” рунки остида 40 та видеопрограмма, “Нодир ёзма манбалар” рунки остида 11 та видеолар тайёрланди. “Алломаларимиз ҳақида 10 ҳақиқат” туркумидаги кўрғазмали воситалар ёшларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш мақсадида, 20 мингдан

ортик муассаса ва ташкилотларга, шунингдек, нашр этилган янги асарлар жаҳон илмий ҳамжамиятини буюк аждодларимиз мақсадида Ал-Азхар ислом тадқиқотлари мажмуаси, Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш маркази (IRCI) ва бошқа турдош халқаро ҳамкор идораларга етказилди.

Тадбирда Ал-Азхар ислом тадқиқотлари мажмуаси бош қотиби, доктор Мухаммад Назир Айдя ҳама Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш маркази бош директори, профессор Маҳмуд Эрол Қилич видео сўзлашди таъриқ қилди. Тақдим этилаётган янги нашрларга Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий фаолиятининг ёрқин натижаси сифатида юксак баҳо бериб, ҳамкор муассасаларни, ўзбек халқини ушбу муҳим воқеа билан муборакбод этди. Ходимлар олиб бораётган тадқиқот ва таржималар аллома аждодларимиз меросини тиклашга, замондошларимизни улар қолдирган бой маънавий ҳазинадан кўпроқ, тўлиқроқ баҳраманд этишга ва пировардида ислом илмларини янада тараққий топтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Тақдимотда сўзга чиққанлар буюк аждодларимизнинг ислом илмлари соҳасидаги илмий мероси айни кунга ҳам муҳим таъриқ қилиш ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келётганини, хусусан, юртимиздан чиққан алломаларнинг ислом илмлари ривожига муносиб ҳисса қўшганини алоҳида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан нашрга тайёрланган янги китоб ва рисоалар исломнинг асл қадрият ва тамойилларини ҳамда инсонпарварлик ғояларини тараннум этишда, замонлар оша юксак қадр-қийматга эга бўлиб бораётган асарларнинг тўл муҳиятини очиб беришда муҳим дастуриламалдир.

Ўзбек тилида тақдим этилган мазкур асарлар мутафаккирларимиз илмий қарашлари маъносини янада яхшироқ англашга, улар таълимотини чуқурроқ тушунишга асос бўлиб хизмат қилади.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди жамоатлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бахтиёр Исмоиловга волидан мухтарамаси

Мунаввар ИСАХАНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жамоаси Миллий марказнинг масъул ходими Малика Толповага онаси

Дилора АРЗУМЕТОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

Ҳадисларда ифодаланган ҳаётсеварлик, халқпарварлик, адолатпарварлик тушунчалари ислом дунёси бадиий адабиётига қудратли таъсир кўрсатиб келмоқда. Айни мазмундаги умрбоқий асарлар дунё юзини кўрди. Бундай бадиий яратмаларнинг исломий ғоялар билан йўғрилиши уларнинг ғоявий таъсирчанлиги ва бадиий бағоватининг ҳадди аълолигига етказилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, улуғ шoir ва мутафаккир Алишер Навоий ўз ижодида ҳадисларга жуда кўп бор мурожаат қилган. Асарларида уларнинг моҳиятини латиф ташбеҳлар билан очиб беришга интилган.

Атоқли навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов исломий манбаларнинг Алишер Навоий ижодидаги ўрни ҳақида шундай ёзди: “Навоий ижодининг яна бир муҳим манбаи диний ва сўфий адабиётлардир... Аммо Навоийнинг диний адабиётга муносабати, диний адабиётлар, хусусан, Қуръон ва ҳадислар шoir ижодининг доимий ва муҳим манбалари бўлгани, ўз даври ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий масалаларини улуғ шoir кўп вақт шoir асарларига суяниб ҳал этганлиги шу пайтгача деярли ўрганилмади, ҳатто бундан кўз юмиб келинди”.

Дарҳақиқат, собиқ иттифоқ даврида буюк аждодимиз мероси бор ҳолича ўрганилма-

САНЪАТНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

Инсоният тафаккурининг ёрқин маҳсули бўлган мақом санъатини кенг тарғиб қилиш, уни, айниқса, ёшлар орасида оммалаштириш бўйича янги лойиҳага қўл урилди.

Тадбир

Гап шундаки, “Янги Ўзбекистонда миллий мақом Ренессанси аънавалари” номли маърифий тадбирга старт берилди. Ўзбек миллий мақом санъати маркази, Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли ҳамкорлигида ташкил этилаётган ушбу тадбир Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига бошланди.

Ўзбек миллий мақом санъати халқимизнинг улкан маънавий меросидир. Унда Ўзбек халқининг қадим тарихи, маънавий дунёси, бадиий фалсафаси руҳи мурасам. Шу боис неча асрдирки мақом санъатининг олий намунаси сифатида алоҳида ардоқлаб келинмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий

тақомиллаштиришга қаратаётган эътибори бизга катта куч ва мадад бўлаётир.

Бугун миллий мусиқа санъатининг ёшлар ўртасида тарғиботи қаратилган маърифий тадбирини бошладик. Уни республикамизнинг барча ҳудудди, жумладан, олий ўқув юртиларида ўтказишни мақсад қилганмиз.

Тадбирда Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли жамоаси томонидан мақом санъатининг нодир намуналари ижро этилди, миллий чолғучилар томонидан мусиқий композициялар тақдим этилди.

Жонли ижродаги ҳар бир асар давомили олқишлар билан қарши олиндики, бу мақом санъати ёшларнинг қалбига кира бораётганидан, уларга маънавий-руҳий озуқа бераётганидан ёрқин далолатдир.

Шоҳсанам ЙЎЛДОШЕВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.

КЎКДАЛАДАН ЕВРОПА БОЗОРЛАРИГА ЙЎЛ

Қашқадарё вилоятининг Кўкдала туманида ўз бизнесини йўлга қўйган Италиянинг “Kotonella” бренди юртимизда тайёрлаган маҳсулотларини Европа Иттифоқи бозорига илк бор “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги остида жўнатди.

Тўқимачилик

Айни пайтда уч хил дизайндаги 50 мингдан ортиқ дастлабки маҳсулотлар Европа давлатларига етказилди. Ўзбек пахтасидан яратилган трикотаж маҳсулотлари экспорти ҳажмини сезиларли даражада оширишни мақсад қилган ушбу корхонада бир йилда 8 миллион донадан кўп кийим-кечаклар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Биринчи босқичда 1 миллион евро миқдорда тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилинган ҳолда 100 та янги иш ўрни очилди. Корхонага Италиядан энг сўнгги русумдаги замонавий тикув дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилди. Бугунги кунда бир ойда 350 минг дона кийим-кечак ишлаб чиқарилмоқда.

Тикув дастгоҳларини бошқариш, кийим-кечакларни Европа андозлари-га мос ва сифатли тайёрлаш мақсади-

да италиялик мутахассислар томонидан ўқувлар ташкил этилмоқда.

— Ўзбекистон пахтаси сифати, толасининг пишиқлиги ва майинлиги билан алоҳида ажралиб туради, — дейди корхонанинг сифат назоратчиси, италиялик мутахассис Жан Лука Мариатти.

— Ундан дунё стандартларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар тайёрлаш мумкин. Айнан шу жиҳатлар ва юртингизда кулай инвестиция муҳити мавжудлиги туфайли бу ерда корхона фаолияти йўлга қўйилди.

Айтиш жоизки, корхона “Кўкдала кластери” пахта-тўқимачилик кластери негизда ташкил этилган бўлиб, айни ҳамкорлик нафақат юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, балки sanoat корхоналарида халқаро бренд таърибасини жорий қилишга кўмаклашиш имконини ҳам беради.

Фахридин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси: профессор — 2 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин;
Факультетлараро фортепиано ижрочилиги кафедраси: профессор — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин;
Композиторлик ва чолғулаштириш кафедраси: профессор — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин;
Ўзбек тили ва ижтимоий фанлар кафедраси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин;
Муслик педагогика кафедраси: доцент — 2 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин;
Оркестр дирижёрлиги кафедраси: доцент — 1 ўрин;

Мусиқа назарияси кафедраси: катта ўқитувчи — 2 ўрин;
Махсус фортепиано кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:
ректор номига ариза;
ходимлар шахсий варақаси;
олий маъlumоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;

ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
мутахассислик бўйича охириги уч ўқув йилида малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхалари.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 1-уй.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 17 437 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 0013-0788

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Р. Шеркулов,
Мусаҳҳиш — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.20 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6